



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 13-noyabr. Seshanba • 135 (31.567) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz



Сервар Урмонов (УзА) олган суратлар.

“Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади”

И. Каримов

ШИФОКОРЛАР ШАРАФЛАНДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАБУСИ БИЛАН 2006 ЙИЛ 12 СЕНТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА МУВОФИҚ ҲАР ЙИЛИ НОЯБРЬ ОЙИНИНГ ИККИНЧИ ЯКШАНБАСИ МАМЛАКАТИМИЗДА ШИФОКОРЛАР БАЙРАМИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ушбу санага бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳаёти, саломатлиги ва манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тизимни такомиллаштириш, соҳада янги хизматларни, илгор тажриба ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «Соғлом она — соғлом бола» миллий моделини амалга ошириш жараёнида замонавий скрининг ва перинатал марказлар тармоғи ташкил

этилди. Натижада, мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Юртимизда мулқ соғлом болалар кўрсаткичи 62,9 фоизга етди. Бундай ютуқлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Кишлоқ жойларда тиббий хизмат сифатини юксалтиришга қаратилган инвестиция дастурлари амалга оширилмоқда. Уч минг икки юзта кишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида уларнинг инфратузилмасини ва моддий-техник базасини яхшилаш учун етмиш миллион доллар миқдорда маблаг йўналтирилди. Натижада, кишлоқ врачлик пункларида профилактика ишларини самарали ташкил этиш баробарида касалликларга юқори аниқликда ташхис қўйиш ва муваффақиятли даво-

лашга эришилмоқда. Жорий йилда яна йигирмадан зиёд ана шундай замонавий бирламчи тиббий-профилактика муассасалари барпо этилмоқда. Улардан бири — Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги «Исковот» кишлоқ врачлик пункти мустароаб ташкил этишда ЭКГ, доплер каби замонавий лаборатория таҳлил аппаратларидан самарали фойдала-

нилмоқда. Мазкур бирламчи шифо маскани Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан аънавий тарзда ўтказилаётган «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти — 2012» танловидан биринчи ўринни эгаллади ва «Дамас» автомашина билан тақдирланди. Тадбирда тиббиёт тизимида ўтказилаётган танлов ғолиблари эълон қилинди. Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 39-оилавий поликлиника «Энг намунали оилавий поликлиника» деб топилди. Қашқадарё вилояти Фузур тумани «Қорқўмди» кишлоқ врачлик пункти шифокори Феруза Мустановна «Йилнинг энг фаол умумий амалиёт шифокори», Андижон вилояти Асака тумани «Арғин» кишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Дилноза Аҳмадалиева «Йилнинг энг фаол патронаж ҳамшираси» номинациялари бўйича ғолиб бўлди.



Байрам тадбири санъат талари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Икромов қатнашди. **Баҳор ХИДИРОВА, УзА мухбири.**

ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

ДЕЯРЛИ ҲАР КУНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОСИ ДАВОМ ЭТАЁТГАНИ, ҚАТОР РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ТАНГ АҲВОЛГА ТУШИБ ҚОЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА ЎҚИБ, ЭШИТИБ ТУРИБМИЗ. ШУНДАЙ МУРАККАБ ШАРОИТДА ДАВЛАТИМИЗДА ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ СИФАТИДА АҲОЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Жумладан, ҳар йили минглаб янги иш ўринлари — кишилар учун даромад манбалари яратилиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдори оширилмоқда. Буларнинг барчаси муқаддас Ватанимизда инсон мўтабар ва азизлиги, ижти-

мой масалаларга эътибор юқори эканини кўрсатади. Президентимизнинг жорий йил 9 ноябрдаги Фармонида мувофиқ, 2012 йил 1 декабрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақалар ҳамда

стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баробарга ошириб белгиланди. Бу аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳаёт сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга, албатта. Маълумки, рўзғори таъми-

нотидан кўнгли тўқ киши бор кучи, билими ва салоҳиятини ўзи ишлайётган соҳа ривожини йўлга сарф қилади. Шу орқали жамият тараққиётининг фаол иштирокисига айланади. Мазкур Фармон мазмун-моҳияти жиҳатидан ЎзХДП гоёларига тўла мос келади. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустақамлаш энг муҳим ва адолатли ишлардан ҳисобланади. Бу йил — Мустақкам оила йили эканидан келиб чиқиб, фикрлайдиган бўлсак, мазкур фармон оилалар фаровонлигини янада оширишда мустақкам асос бўлиб хизмат қилади. Бундан, айниқса,

партияимиз электорати — асоций даромадди иш ҳақидан олвучилар, пенсионер ва ногиронлар кўпроқ манфаатдор ҳисобланади. Шу боис бу фармон аҳамиятини партия аъзолари ва электорат вакиллари ўртасида кенг тарғиб қилишимиз лозим. Унинг ижроси аҳоли ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, фаоллигини ошириш имконини беради. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатини таъминлаш, келажакка ишончини мустақамлайди. **Обид ШАБАНОВ, ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари.**

Муносабат

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ҲАҚИДА АХБОРОТ

2012 ЙИЛ 12 НОЯБРДА ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисини шу йил 5-6 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига аҳоли турмуш даражасини янада оширишни ва уни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришни, иқтисодиёт юқори ва барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини, шунингдек, 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини киритиш режалаштирилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислох қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар киритилади. Булар жумласига «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун, янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун, «Хусусий банк ва молия институтига ҳамда улар фаолияти тўғрисида»ги қонун, «Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада ривожлантирилиши билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Олий Мажлиси Сайлов Тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган, тадбиркорлик фаолиятини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашни этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини киритиш демократлаштиришни, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишни назарда тутадиган бошқа бир қатор қонунлар киритилади.

Шу билан бирга навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқадилар. Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўнинчи ялпи мажлиси тайёрлаш ва ўтказиш борасидаги ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Хушхабар!

ЁШЛАРИМИЗ ҲАМ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЧОРАК ФИНАЛИДА ЎЗБЕКISTON ТЕРМА ЖАМОАСИ СУРИЯ ВАКИЛЛАРИНИ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТИБ, ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛЛАНИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

Ёшлар ўртасидаги Осие чемпионати низомига кўра, ярим финалга чиққан жамоалар келаси йили Туркияда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Мазкур босқичга йўлланма олган саккиз жамоанинг барчаси, табиийки, бу юксак мақсадга эришишга аҳд қилган. Ярим финалнинг илк иштирокисини номи Ўзбекистон — Сурия терма жамоалари ўйинида аниқланди. Учрашув ниҳоятда муросасиз ва кескин курашлар остида бошланди. Дастлаб ўйиннинг 37-дақиқасида сурияликлар ҳужумчиси Ҳамид Мидо хирасобни очган бўлса-да, ҳамюртларимиз ўзларини йўқотиб қўйишмади. Орадан етти дақиқа ўтгач, Игорь Сергеев ўртадаги мувозанатни тиклади — 1:1. Кўпчилик биринчи бўлим шу ҳисобда ниҳоясига етишини тахмин қилаётган бир маҳалда ҳи-

моямимиз Сардор Раҳмонов ўз жарима майдончаси ичида рақиб ўйинчисини қўполлик билан тўхтатиб қолди. Натижада сурияликлар етакчиси Махмуд Алмаваз пенальтини бехато амалга ошириб, жамоасининг биринчи бўлимдаги ғалабасини таъминлади — 2:1. Иккинчи бўлимда ёшларимиз ташаббусни ўз қўлларига олиб, ўйин суръатини кучайтиришнинг удрасидан чиқди. Бу эса 75-дақиқада ўз самарасини берди. Жаримдан Жамшид Исқандаровнинг узатган тўпини Ихтиёр Тошпўлатов дарвоза тўрига жойлаб қўйди — 2:2. Ўйин охиригача шу ҳисоб сақланиб қолди. Натижада ярим финалчи номига ойдинлик киритиш учун жамоалар майдонда 15 дақиқадан яна иккита қўшимча бўлимда тўп сурди. Аммо ҳисоб ўзгармади. ➔ 4

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 13 НОЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

| | | | | | | | |
|-------------------------|---------|-------------------|---------|---------------------|---------|-----------------------|---------|
| 1 Евро | 2513,50 | 1 Дания кронаси | 335,05 | 1 Хитой юани | 315,18 | 1 Туркия лираси | 1097,53 |
| 1 АҚШ доллари | 1963,15 | 1 БАА дирҳами | 534,50 | 1 Украина гривнаси | 245,61 | 1 Швейцария франки | 2071,05 |
| 1 Россия рубли | 62,33 | 1 Миср фунти | 321,67 | 1 Малайзия ринггити | 641,55 | 10 Жанубий Корея вони | 18,05 |
| 1 Австралия доллари | 2044,82 | 1 Испания кронаси | 15,26 | 1 Польша злотийси | 601,79 | 10 Япония иенаси | 247,06 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3122,00 | 1 Канада доллари | 1965,51 | 1 СДР | 2998,81 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Истиқлол имкониятлари

НАВОИЙ:

- РАВОН ЙЎЛЛАР, ОБОД ҚИШЛОҚЛАР

3-бет

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИДА АҲОЛИ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИНГ МАҚСАДМУДДАОЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.

Сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ва фаоллигини ошириш орқали давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Улар ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишига ҳисса қўшади, энг муҳими, фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувида бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишдек конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Конституцияимизнинг 60-моддасида «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар», деб белгиланган.

Ҳозирги вақтда республикаимизда мақсад-вазифалари нуктаи назаридан ўз сиёсий қарашларига, электротарига эга бўлган тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Ушбу партиялар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларда ўз дастурлари асосида иштирок этиб келмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз парламенти тизимида амалга оширилаётган ислохотлар сиёсий партиялар фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Айниқса, икки палатали парламент тизими жорий этилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатаси доимий асосда ишлайдиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган ҳуқуқий асослар ҳеч қайси

мафқура давлат мафқураси сифатида ўрнатилгани мумкин эмаслиги билан бир қаторда, мамлакатда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишини белгилаб берди. Сиёсий партияларнинг кенг қўламли ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлади, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мақоми, ваколатларини янада кенгайтириш ва фаолиятининг самарасини ошириш борасида янги имкониятлар очиб берди.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида», «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаоллик ҳамда жамоатчилик назоратини оширишга, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий ҳуқуқий шароитларни таъминлашга хизмат қиляпти.

Шунингдек, ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдига ҳисоб беришни белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали механизмларни яратди.

Парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтириш бўйича ҳам тарихий, ҳам концептуал аҳамиятга эга бўлган қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Унинг амалга ошиши натижасида 2011 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ҳам муҳим тарихий воқеа бўлди. Ушбу қонун сиёсий партиялар фаолиятини сезиларли даражада кенгайтириб, уларнинг ижро ҳокимиятига таъсирини кучайтирди.

Жумладан, ушбу қонун орқали Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўрин-

ларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар таклиф этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан қўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартиб белгиланди, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институти жорий этилди.

Ушбу ислохотлар натижасида мамлакатимизда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси изчил ҳаётга татбиқ этилиб, сиёсий партияларнинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакат тақдирига, ижтимоий-сиёсий жараёнларга, ижро ҳокимияти тизимининг бевосита таъсир қилиш имкониятини вужудга келтирмоқда.

Демак, сиёсий партиялар бир томондан парламент қуйи палатасидаги фракциялар орқали электрот манфаатини ифода этиш мақсадида қонун ижодкорлиги жараёнида, ҳукумат фаолиятини назорат қилишда иштирок этиш имконига эга бўлса, иккинчи томондан, ҳукумат олиб бораётган сиёсат учун сиёсий масъулиятни, лозим бўлса жавобгарликни зиммага олишларини ҳам тақозо этади.

Демак, сиёсий партиялар жамиятда муносиб ўрин эгаллашига имконият яратиш берилмоқда. Албатта, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган бу каби ислохотларнинг замирида халқ манфаатини ифода этиш, мамлакат фаровонлигини таъминлаш мақсади турганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли.

Бу эса Конституцияимизнинг 12-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишининг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Муҳтабар ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.

Депутатлик гуруҳлари —
электорат манфаати ҳимоячиси

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УЙЧИ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ 2012 ЙИЛДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ҲАМДА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ОЛИБ БОРДИ. БУ БОРАДАГИ ХАТО ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ ЕЧИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР СЕССИЯ МУҲОКАМАСИГА КИРИТИЛДИ.

БАРҚАРОР ИШ ЎРИНЛАРИ

даромадни ошириш,
турмуш фаровонлигини
таъминлашнинг муҳим кафолати

— Дастлаб партияимиз дастурий мақсадлари, электрот манфаатлари билан боғлиқ мазкур масалалар туман партия кенгашида атрофича муҳожама қилинди, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши гуруҳи раҳбари Олимжон Иzzатуллаев. — Шундан сўнг депутат ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Худуддаги ҳар бир корхона-ташкилот ва хўжалик юритувчи субъектларда яратилган иш ўринлари ўрганиб чиқилди. Дастурда белгиланган иш ўринларининг ўз вақтида очилиши, касб-хунардан коллежлари битирувчилари билан имзоланган уч томонлама шартномалар ижросини қатъий таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар изчил ўрганилди.

Маълум бўлишича, 2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг дастлабки 5 ойлик режасига кўра, туманда 2077 та янги иш ўрни очилиши белгиланган. Мазкур режа 2100 тага бажарилган.

Жумладан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини янгилаш бўйича 110 та, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиш ҳисобига 739 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 555 та иш ўрни яратилган. Уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш бўйича 922 та иш жойи очилган.

Бироқ, шундай бўлса-да, худудий дастурларга киритилган айрим корхоналар иш ўринлари яратиш режасини тўлиқ бажармаган. Уларда янги иш ўринлари яратиш имкониятларини қўриб чиқиш, манзилли рўйхатларга киритилган кичик корхоналарни ишга тушириш, фаолиятини кенгайтириш, бизнес лойиҳа ишлаб чиқиш, ер, бино ажратилиш ва бошқа масалалар бўйича амалий чоралар кўриш мақсадида мувофиқлиги депутатлар томонидан алоҳида таъкидланган эди.

Шу асосда сессияда тегишли қарор қабул қилинган эди. Унга асосан касб-хунардан коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, бунда корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларини тўла ҳисобга олиш, уларни кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб қилиш, шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар, хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат дафтрасини очилмасдан фаолият юритаётган фуқаролар меҳнатини қонуний расмийлаштириш вазифалари белгиланди. Хусусан, ҳар бир депутат ўз сайлов округи худудида туман давлат солиқ инс-

пекцияси, пенсия жамғармаси туман бўлими вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда кичик ишларни ишга қўришни жалб қилган тадбиркорлар ўртасида ходимларга меҳнат дафтрасида иш юзасидан тушунтириш ишларини кенг қўламли олиб бориши лозимлиги ўқтирилди.

Хўш, сессия қабул қилган қарор ижроси қандай таъминланапти?

— Дастурнинг бир қисми бўлган касб-хунардан коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг аҳоли таҳлил қилинганида, 2011-2012 ўқув йилида касб-хунардан коллежларини тамомлаган 2992 нафар битирувчининг 2859 нафари билан уч томонлама шартномалар тузилган, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Жаҳонгир Дадахонов. — Аммо шунга қарамай, 113 нафар битирувчи мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда айрим муаммоларга дуч келган. Шу боис, депутатлик гуруҳи йиғилишларида мазкур йўналишдаги маълумотлар атрофича таҳлил қилиб борилаёпти. Йил якуни бўйича бу масалага яна қайтишни режалаштирялми.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоялаш, ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи партияимиз Сайловолди дастурда белгиланган муҳим вазифалардан бири, — дейди туман партия кенгаши раиси Салима Юнусова. — Шу боис сессия қарори ижроси бўйича қатъий назорат ўрнатдик. Бунда ижтимоий шерикчилик муносабатлари қўй келаяпти. Корхона ва ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ёшларни ишга жойлаштириш каби масалаларда иш олиб бораёлми.

Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳининг 21 нафар аъзоси бор. Ҳар бир депутат ўз округидаги касб-хунардан коллежлари билан доимий алоқа ўрнатган. Уларнинг мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш назорат қилиш, ўз бизнесини таъминлашда, имтиёзли кредит олишда ёшларга қўмақлаштириш, тегишли йўл-йўриқ кўрсатиш ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилаёпти. Шу асосда тайёрланган таклифлар йил охирига қадар тегишли доимий комиссия ва сессия муҳокамасига киритилиши мўлжалланмоқда.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

2011 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ҳам муҳим тарихий воқеа бўлди. Ушбу қонун сиёсий партиялар фаолиятини сезиларли даражада кенгайтириб, уларнинг ижро ҳокимиятига таъсирини кучайтирди.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

БОЛАГА МЕҲР, ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ЭЗГУ АНЪАНАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. АЙНИҚСА, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН БУ МАСАЛАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ, БОЛАЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯЛАШГА ДОИР ҚАТОР ҚОНУН ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. БУ ҲАҚДА ГАП КЕТГАНДА, АВВАЛО, КОНСТИТУЦИЯМИЗДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ МУСТАҲКАМЛАНГАННИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ.

Бош қомусимизда ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялаши, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдига тенглиги ҳамда оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, ёш авлод жамият тарраққиети ва истиқболини таъминловчи етакчи куч ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими тобора тақомиллашиб бормоқда. Улар-

нинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, бу борада давлат ҳамда жамоатчилик институтлари фаолиятини тақомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Хусусан, 1991 йилда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 4 мартдаги Фармонида мувофиқ таъсис этилган илк ордан «Соғлом авлод учун» деб номланди. Бу ордан жамият келажagini, мамлакат олдидаги улус мақсадларини кўзлаб таъсис этилди, десак, муболаға бўлмайди. Зеро, соғлом авлод, баркамол миллатгина жаҳон ҳамжамиятида му-

носиб ўринга эга давлатни бунёд эта олади.

Бугун республикаимиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Уларнинг ҳимоясини ҳуқуқий жиҳатдан кучайтириш мақсадида мазкур йўналишдаги халқаро-ҳуқуқий меъёрлар қонунчилигимизга имплементация қилиниб, бола ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 44 сессиясида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинди. Мазкур халқаро Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан дунёнинг 193 давлати қаторида 1992 йилда ратификация қилинди.

Конвенциянинг 2-моддасида «Иштирақчи давлатлар ўз юрисдикцияси доирасида бўлган ҳар бир бола учун ушбу Конвенцияда назарда тутилган барча ҳуқуқларни, ҳеч қандай камситиларсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳоли, боланинг соғлиги ва туғилиши, унинг ота-она-

си ёки қонуний васийлари ёки бошқа ҳолатлардан қатъий назар, хурмат қиладилар ҳамда таъминлайдилар», деб кўрсатилган.

Конституцияимиз ҳамда мазкур Конвенция талаблари асосида мамлакатимизда қатор қонунлар қабул қилиниб, бу борадаги ҳуқуқий асос янада мустаҳкамланди. Улар орасида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун алоҳида аҳамиятга эга. Унда бола ҳуқуқларининг кафолатлари таъминланиши билан боғлиқ муносабатлар иштирокчилари ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ акс этган.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилиниши бола ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши билан боғлиқ кафолатларни янада кучайтирди. Унга асосан ахлоққа зид ҳуқуқбузарликлар учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодекси меъёрлари янада тақомиллаштирилди ҳамда жавобгарлик кучайтирилди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, вояга етмаган шахс тавсифланган ёки

тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш, худудий шунингдек, бундай маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижросини сифатида жалб қилиш — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган. Шу тарихда бола ҳуқуқлари камситилиши ёки таъминланмаслигига олиб келувчи ҳаракатлар ижтимоий хавфи юқори жиноят сифатида баҳоланди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимояси оид қонунчилик тобора тақомиллашяпти. Бу ЎЗХДП дастурий мақсадлари амалга ошиши билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамохан бўлиб, фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом, хур фикрли авлод сифатида камолга етишишига хизмат қилади.

Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мудофиа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

НАВОИЙ: РАВОН ЙЎЛЛАР, ОБОД ҚИШЛОҚЛАР

ҚИЗИЛҚУМ САҲРОСИ МЎЪЖИЗАСИ — НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ ҚАЙСИ ҲУДУДИГА БОРМАНГ, КАТТА ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР УСТИДАН ЧИҚАСИЗ. ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ВИЛОЯТДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҚУЛАМИНИ АНГЛАШ УЧУН УЛАРДАН АЙРИМЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЗАРУР БЎЛАДИ.



Жумладан, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ўтказиш мақсадида жорий йилда ўн минг ўринга мўлжалланган замонавий стадион, ёпиқ сув ҳавзалари қад ростлади. Нурота туманидаги 33, 54-умумий таълим мактаблари янгидан барпо этилди. Қизилтепа, Хатирчи, Кармана туманларидаги ўнлаб мактабларда қўшимча ўқув бинолари, спорт заллари қурилди.

Конимех туманидаги 4-сон болалар мусиқа ва санъат мактабининг фойдаланишга топширилиши ёш авлод камолоти йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг амалдаги исботи десак, хато бўлмайдди.

Мактабнинг бунёд этилиши туманимиз ёшлари учун ҳақиқий тўғра бўлди, — дейди мактаб директори Махбуба Анаева. — Ёшларимиз 40 нафарга яқин пе-

дагоч ходимлардан мусиқа ва санъат сир-асрорларини кунт билан ўрганишяпти.

Аҳолининг муносиб турмуши учун барча шарт-шароит яратилди, табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, кўча ва йўллари обод қилиш, инфратузилмани ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда вилоятда 294 километр раван йўللар барпо этилди. Унинг 245 километри ички қишлоқ йўллари.



— 40 йил қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилдим, — дейди Навбахор туманидаги «Янги обод» маҳалласида истиқомат қилувчи пенсионер Аъзам ота Жўрақулов. — Ёзда чанг, қишда лой кўчалардан қийналиб мактабга етиб борардик. Шўқри, бугун ана шундай қийинчиликлар ортда қолди. Қишлоғимиз йўллари шаҳар кўчаларидан қолишмайди.

Жорий йилда вилоятда 196 тага яқин ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Нати-

жада 890 та янги иш ўринлари яратилди. Хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига асосан, 15 миллиард сўмдан ортиқ банк кредитларининг ажратилиши «Мустақкам оила йили»да ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган оилаларни молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг «Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади» деган эзгу ғоялари остида жорий йилнинг охиригача ви-

лоятнинг 8 та туманидаги 30 та олис овуллар ва қишлоқ мас-сивларига намунавий лойиҳа асосида 500 та турар-жой бинолари қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Дарҳақиқат, раван йўللар, обод қишлоқлар халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилмоқда. Вилоятда амалга оширилётган бунёдкорлик ишлари бунинг ёрқин даллатидир.

Илҳом САТТОВОВ,
Новий вилояти.

Реклама

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пурратчи ташкилотларни танлаш бўйича

| ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: | | | | |
|---|---|---------------------------------|------------------------------------|-----------------|
| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Бюджетчи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Бюджетчи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
| ЛОТ 1-4: | | | | |
| Лот-1 | Самарқанд шаҳридаги 320 ўринли 75-мактабни (қўшимча 80 ўринли ўқув блоки ва 12м.х24м. ўлчамли спортзал қурилиши) реконструкция қилиш. | 677 695 833 сўм | 813 235 000 сўм | 9 ой |
| Лот-2 | Булунгур туманидаги 160 ўринли 24-мактабни (қўшимча 160 ўринли ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш. | 314 504 167 сўм | 377 405 000 сўм | 8 ой |
| Лот-3 | Булунгур туманидаги 140 ўринли 33-мактабни (қўшимча 140 ўринли ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш. | 275 126 667 сўм | 330 152 000 сўм | 8 ой |
| Лот-4 | Жомбой туманидаги 340 ўринли 19-мактабни (қўшимча 140 ўринли ўқув блоки ва 12м.х24м. ўлчамли спортзал қурилиши) реконструкция қилиш. | 761 147 500 сўм | 913 377 000 сўм | 9 ой |
| ЛОТ 2-5: | | | | |
| Лот-1 | Нарпай туманидаги 320 ўринли 42-мактабни (қўшимча 320 ўринли ўқув блоки ва 12м.х24м. ўлчамли спортзал қурилиши) реконструкция қилиш. | 940 355 000 сўм | 1 128 426 000 сўм | 9 ой |
| Лот-2 | Самарқанд туманидаги 380 ўринли 13-мактабни капитал таъмирлаш. | 135 416 224 сўм | 338 742 000 сўм | 8 ой |
| Лот-3 | Булунгур туманидаги 240 ўринли 57-мактабни (қўшимча 240 ўринли ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш. | 471 670 833 сўм | 566 005 000 сўм | 9 ой |
| Лот-4 | Иштихон туманидаги 140 ўринли 85-мактабни (қўшимча 140 ўринли ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш. | 282 285 000 сўм | 338 742 000 сўм | 8 ой |
| Лот-5 | Пахтачи туманидаги 210 ўринли 19-мактабни капитал таъмирлаш. | 90 434 905 сўм | 108 521 886 сўм | 8 ой |
| ЛОТ 3-4: | | | | |
| Лот-1 | Иштихон туманидаги 420 ўринли 74-мактабни (қўшимча 420 ўринли ўқув блоки ва 12м.х24м. ўлчамли спортзал қурилиши) реконструкция қилиш. | 1 130 451 500 сўм | 1 356 541 800 сўм | 9 ой |
| Лот-2 | Пайариқ туманидаги 140 ўринли 66-мактабни (қўшимча 140 ўринли ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш. | 282 285 000 сўм | 338 742 000 сўм | 8 ой |
| Лот-3 | Қўшработ туманидаги 320 ўринли 62-мактабни (қўшимча 320 ўринли ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш. | 613 583 333 сўм | 736 630 000 сўм | 9 ой |
| Лот-4 | Жомбой туманидаги 260 ўринли 37-мактабни капитал таъмирлаш. | 219 951 822 сўм | 263 942 186 сўм | 8 ой |
| ЛОТ 4-4: | | | | |
| Лот-1 | Самарқанд туманидаги 876 ўринли 1-мактабни капитал таъмирлаш. | 365 679 829 сўм | 438 815 795 сўм | 8 ой |
| Лот-2 | Каттақўрғон туманидаги 420 ўринли 13-мактабни (қўшимча 420 ўринли ўқув блоки ва 12м.х24м. ўлчамли спортзал қурилиши) реконструкция қилиш. | 1 072 198 333 сўм | 1 286 638 000 сўм | 9 ой |
| Лот-3 | Пайариқ туманидаги 140 ўринли 52-мактабни (қўшимча 140 ўринли ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш. | 318 613 333 сўм | 382 336 000 сўм | 8 ой |
